Абу Бакр Наршахий — Марказий Осиё тарихнавислигининг илк кадимий дурдоналаридан бири бўлмиш «Тарихи Бухоро» деб шухрат топган нодир асарнинг муаллифидир. У ўз асарини 943—944 йилларда араб тилида ёзган ва уни шу йилларда тахтга ўтирган Сомонийлар давлати хукмдори Амири Хамид, яъни Абу Мухаммад Нух ибн Наср ибн Ахмад ибн Исмоил ас-Сомоний (943—954)га багишлаган. «Бухоро тарихи»нинг ўзида хам бошка тарихий манбаларда хам муаллифнинг хаёти ва фаолиятига дойр бирор кенгрок маълумот учрамайди. Факат XIII аср муаллифи Самъонийнинг «Китоб ул-ансоб» асарида унинг тўла исми Абу Бакр Мухаммад ибн Жаъфар ибн Закариё ибн Хаттоб ибн Шарик эканлиги ва у Бухоро ахлидан (Наршах кишлогидан) бўлиб, 286 хижрий (899 мелодий) йили таваллуд топган ва 348 (959) йили вафот этганлиги эслатилади.

Афсуски, «Бухоро тарихи»нинг араб тилида ёзилган асл нусхаси бизгача етиб келган эмас. Бизга насиб бўлгани — бу форс тилига таржима килиниб, карийб уч аср давомида бир неча бор тахрир, кискартиш ва кўшимчаларни бошидан кечирган нусхадир. Асарнинг сўз бошисида айтилишича, 1129 йили асли хозирги Кува шахаридан бўлган Абу Наср Ахмад ибн Мухаммад ибн Наср ал-Кубовий Наршахийнинг китобини дўстларининг илтимосига биноан араб тилидан форсийга таржима килган ва бунда у асарнинг баъзи жойларини кискартирган; аммо, шу билан бирга айрим кўшимчаларни хам киритган. Шундан ярим аср ўтгач, мазкур форсий таржима яна кайтадан тахрирга учраган; 1178—1179 йиллар давомида Мухаммад ибн Зуфар ибн Умар асарни иккинчи марта кискартириб баён этган. Аммо асарни ўкир зканмиз, биз унда мазкур 1178 йилдан кейинги, то 1220 йилгача бўлиб ўтган тарихий вокеалар хакида хам киска-киска маълумотларни учратамиз. Бу хол шуни кўрсатадики, Мухаммад ибн Зуфарнинг кискартиришидак (яъни 1178 йили) кейин хам бир неча номаълум кишилар ана шу форсий таржимани тахрир килганлар. Улар асарни яна кискартирганлар дейишга асос бўлмаса-да, лекин кўшимчалар киритганликлари вокеалар мазмунидан кўриниб турибди. «Бухоро тарихи»нинг кўлимиздаги барча нусхалари ана шу 1220 йилгача давом эттирилган матнни ўз ичига олади. Асарнинг араб тилидаги асли бизгача етиб келмаганидек, форсий таржима хам кейинги тахрирчилар оркалигина мавжуддир. Чунончи, таржимон Абу Наср Ахмад асардаги баъзи жойларни кискартириш билан бирга, унга катта тарихий ахамиятга эга бўлган маълумотларни киритган. Бунда у ўзидан олдинги ишончли манбалардан фойдаланган. Улардан бири IX аср муаллифи Абулхасан Абдуррахмон ибн Мухаммад Нишопурийнинг «Хазоин ул-улум» номли асаридир. Бундан ташкари таржимон Абу Исхок Иброхим ибн ал-Аббос ас-Сулийнинг «Ахбори Муканнаъ» асаридан, Абу Жаъфар Мухаммад ат-Табарийнинг «Тарихи Табарий» асаридан кўшимчалар келтирган.
Таржимон Абу Наср Ахмад ва ундан кейинги тахрирчи, кайта ишловчилар хам «Тарихи Бухоро» матнига анчагина ўзгартишлар киритган бўлсалар хам, аммо Наршахий номини муаллиф сифатида саклаб колганлар. Масалан, асарда учрайдиган «бу китобнинг мусаннифи айтади» (Техрон нашри, 1939 й., 4- бет) деган таъкидлар буни яккол исботлайди. Лекин шунга карамай, Наршахий ўз асарини тамомлаган 944 йилдан кейинги, то 1220 йилгача бўлган вокеалар муаллифлари деб биз мазкур таржимон ва тахрирчиларни танимогимиз лозим.

Наршахийнинг ўзи аслида асарга кандай ном берганлиги маълум эмас. Шунинг учун у кўлёзма нусхаларда ва тарихий адабиётларда «Тарихи Наршахий», «Тахкикул-вилоят», «Ахбори Бухоро», «Тарихи Бухоро» номлари билан юритилади. Лекин улардан энг аникроги ва илмий адабиётда кўпрок ишлатиладигани «Тарихи Бухоро»дир.
Наршахийнинг бу китобида асосан Бухоро вохасининг обод бўлиши, овчилик, баликчилик ва дехкончиликнинг касб этилиши, Нумижкат, Пойканд, Афшона, Варахша, Ромитон, Вардона каби кадимий кишлокларнинг барпо бўлишидан тортиб, то Бухоро шахрининг кад кўтаришигача бўлган мухим тарихий вокеалар тўгрисида хикоя килинади. Китобда Марказий Осиёда араб халифалиги хукмронлигининг ўрнатилиши, Ислом динининг таркатилиши, оташпарастлик ва у билан боглик маданий хаётнинг инкирози, Муканна — «Ок кийимликлар» харакати, Сомонийлар давридаги давлат идораси, маданий курилишлар борасида турли-туман кизикарли маълумотлар келтирилган; Бухоронинг иктисодий-ижтимоий ва маданий хаётига, айникса, пул муносабатларига, хирож йигиш тизимига оид маълумотлар бор. «Бухоро тарихи»да ер-сув муносабатлари хакида сўзлар экан, Наршахий кадимги заминдорларни «дехконлар», яъни «кишлокхокимлари», зироатчиларни «кашоварзлар», яъни «ер хайдовчи»—«кўшимчалар», йирик ер эгаларига карам кишлок ахолисини «кадиварлар» номлари билан атайди. VIII—X асрларда Бухорода хунармандчилик нихоятда ривожланган бўлиб, хар бир кишлок ўз махсули билан шухрат топган. Масалан, Зандана кишлогида тўкиладиган ипак ва ип матолар «занданийча» номи билан бутун Шаркка машхур бўлган. Бухоро шахрининг ўзида «Байт ут-тироз» номли тўкимачилик корхонаси бўлиб, унинг махсулотлари Форс, Кермон, Щиндистон, Ирок, Шом, Миср ва Рум каби ўлкаларга олиб борилган. Бухоро савдогарлари нихоятда бой та-бака бўлиб, Наршахий уларни «кашкашон» деб атайди. Савдо муносабатлари кенг ёйилганлиги сабабли Бухоро шахарига «Маданият ут-тужжор» яъни «Савдогарлар шахари» деб лакаб берилган.
Китобда Бухоро вохасини сугорувчи анхорлар, обод кишлоклар, работлар ва кўшклар хакида маълумотлар бор. Бутун воха VIII—XII асрларда Кармана, Шопурком, Щарконат ул-Улё, Щарконруд, Овхит-фар, Сомжон, Байконруд, Фаровизи Улё, Коми Даймун, Арвон, Кайфур, Руди Зар каби сугориш тармоклари оркали сув билан таъминланган. Биргина Пойканд шахри атрофида мингдан ортик работ бўлган.
Бухоро вохасини ташки хужумлардан мудофаа этиш максадида унинг барча дехкончилик музофотлари бир неча юз фарсахга чўзилган мудофаа девори билан ўраб олинган. Бу девор 782—831 йиллар мобайнида куриб битказилган ва у «Кампирак» номи билан машхур бўлган.
Асарда Бухоро шахрининг тарихий топографияси тўгрисида хам ким-матли маълумотлар бор. Ўрта асрларда Бухоро аркининг «Дари Регистон» ва «Дари гўриён» номли икки дарвозаси бўлган. Унинг ичида «подшохлар, амирларнинг турар жойлари бўлиб, подшохлик девонлари ва подшохлар турадиган каср кадимдан шу ерда жойлашган». 850 йилда Бухоро шахри янгидан девор билан ўраб олинган. Унинг етгита дарвозаси бўлган. Бухоро кадим замонларда, Нумижкат, Бумискат, Фохира, Мадинат ус-суфрия, яъни «Мис шахар» номлари билан аталган.
Хулоса шуки, Наршахийнинг «Бухоро тарихи» китоби биргина Бухоро тарихини эмас, балки бутун Марказий Осиё тарихини ўрганиш учун кимматли тарихий асардир. Шу боис, Марказий Осиё халк-ларининг VIII—XII асрларга багишланган илмий тадкикотларда Наршахий маълумотлари ва унинг хаммуаллифи, таржимони ва мухаррири Абу Наср Ахмад Кубовийнинг кўшимчалари XIX асрданок кенг фойдаланиб келинмокда, асарнинг

нусхалари дунё кўлёзмалар хазиналарида кўплаб учрайди. Биргини Ўзбекистан Республикаси Фанлар Академияси Беруний номидаги Шаркшунослик институтида 20 дан ортик нусха мавжуд. Асарнинг форсий матни бир неча бор — 1892 йили Ч. Шефер томонидан Парижда, 1904 йили Мулло Султон томонидан Бухорода (Когон), 1939 йили Мударрис Ризаний томонидан Техронда нашр килинган. «Бухоро тарихи»нинг Н. Ликошин бажарган рус тилига таржимаси 1897 йили Тошкентда, Р. Фрайнинг илмий изохлар билан бойитилган инглизча таржимаси 1954 йили Кембриджда, НасруллохТарозийнинг араб тилига илмий изохли таржимаси Мисрда чоп этилди. Бир неча кўлёзма ва нашрлар матни солиштирилиб, тафовутлар кайд этилган илмий изохли ўзбек тилидаги таржимаси 1966 йили А. Расулов ва А. Ўринбоевлар томонидан (тарихий шахсларга изох-лар Д. Юсупованики) «Фан» нашриётида нашр этилди. «Тарихи Бухоро»нинг матнини ва маълумотларини бошка манбалар билан киёсий ўрганиб, ундаги маълумотларни манбашунослик ва матншунослик фани нуктаи назаридан тахлил этиш ишлари хали давом этмокда.

Маънавият юлдузлари. М. Хайруллаев